

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРИПОВА ВАСИЛА БАХТИЯРОВНА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР  
ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Чирчиқ - 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Арипова Васи́ла Бахтияровна**

Мактабгача ёшдаги болаларни ҳаракатли ўйинлар орқали жисмоний сифатларини ривожлантириш.....3

**Арипова Васи́ла Бахтияровна**

Развитие физических способностей детей дошкольного возраста с помощью подвижных игр.....33

**Aripova Vasila Bahtiyarovna**

Development of physical abilities of preschool children through outdoor games.....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....67

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРИПОВА ВАСИЛА БАХТИЯРОВНА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР  
ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Чирчиқ - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped2018 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва “Ziyounet” Ахборот-таълим порталида () жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ярашев Комилжон Дехконович**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Расмий тақризчилар:** **Усмонходжаев Талъат Саидович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Мехриддин Жунайдиллаевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
профессор

**Етақчи ташкилот:** **Чирчиқ Давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, Илмий кенгаш зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин ( рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилган (2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Р.Болтабаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизимида пандемия шароитида масофадан туриб таълим бериш шакли амалга оширилиши билан, оилада болаларни жисмоний фаолликка йўналтириш баробарида, уларда жисмоний тарбиянинг асосий шакллари амалга оширишга эътибор кучайтириш лозимлиги намоён бўлмоқда. Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида болаларни жисмонан соғлом ривожлантириш, айниқса, глобализация даврида кичкинтойларни уяли алоқа воситалари (виртуал олам) дан эътиборини тортган ҳолда фаол жисмоний ҳаётга чорлаш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ёш авлоднинг жисмоний тарбияси, жисмоний тайёргарлигини ва жисмоний сифатларини ошириш, кичкинтойларнинг электрон ўйинларга эмас балки очиқ ҳавода бажариладиган жисмоний машқлар ва ҳаракатли ўйинларни ўйнашга имкониятларини оширишга қаратилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбиялашнинг асосий вазифаси уларни эрта таълимга йўналтириш ва жисмоний фаолликка бўлган эҳтиёжини таъминлашни талаб қилмоқда.

Дунёда мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифаларига бағишланган кўплаб изланишларда ҳаракат фаоллигини оширишнинг инновацион технологияларини жорий қилиш, жисмоний сифатларини ривожлантириш, ёшга мос назорат турлари ва меъёрларни ишлб чиқиш муаммолари ўрганилмоқда. Илмий тадқиқот ишларининг бош масалалари даврий такомиллашиб, соҳада турли янги қирраларни кашф этмоқда. Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш туғилгандан мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш учун янги усулларни яратиш, мактабгача ва бошланғич таълим ташкилотларида жисмоний тарбия бўйича замонавий педагогик тизимларни ишлаб чиқиш, оилада ёш ота-оналарнинг фарзандларига эрта таълим беришларини таъминловчи (early learning sistemy) тизимларини йўлга қўйиш каби муҳим масалаларни ечиш вазифалари ва методологияларини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда мактабгача таълим тизими инфра тузилмасини янгилаш, бунда мактабгача таълим тизимининг таълим сифати ва моддий-техник жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш вазифаси белгилаб берилган. “Мактабгача ёшдаги болаларнинг қамров даражасини айнан 6-7 ёш кесимида 85-90% га ошириш, чекка қишлоқларда хусусий ва давлат шерикчилик асосидаги фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сонини ва сифатини кескин ошириш бўйича давлат сиёсати даражасидаги йирик ислоҳатлар босқичма-босқич 2017-2021 йиллари оралиғида тўлиқ амалга оширилди.<sup>1</sup> Аммо, ҳозирги кунда мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний сифатларини ривожлантириш бўйича ижобий ишлар қилинган бўлса-да, компьютер ёки уяли алоқа воситаларида берилаётган ҳар хил ўйинлар уларнинг соғлиғига, жисмоний ривожланишига, тайёргарлик

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги 2707-сон «2017-2021 йилларга мўлжалланган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳ.

даражасига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” стандартлаштирилганлиги, мактабгача ёш давридаги болаларнинг 80%дан ортиғи давлат ва хусусий мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинганлигини илк бора “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг кучга кирганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу боисдан ҳаракатли ўйинларни қўллаш орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини риожлантириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бугунги кундаги олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги 2707-сон «2017-2021 йилларга мўлжалланган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 9 сентябрдаги 3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги 5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги 595-сон Қонуни ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбия масалалари ва ҳаракатли ўйинлар борасида қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбия назарияси ва методикаси бўйича Т.С.Усманходжаев, Р.С.Саломов, А.Н.Ливицкий, Д.Х.Умаров, Д.Н.Рахматова ва бош.<sup>2</sup>, кичик ёшдаги болаларни соғломлаштириш ишлари бўйича Н.Н.Джалилова Д.Д.Шарипова, Н.А.Виноградова, Р.Азизова, Ғ.М.Салимов<sup>3</sup>, ҳаракатли ўйинлар ва уларни

---

<sup>2</sup>Усманходжаев Т.С. ва бош. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия. Т.: 2019. – Б 250.; Саломов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. Т.: 2015. – Б 69.;Ливицкий А.Н. умумий тахрири остида. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясининг назарияси ва методикаси. Дарслик. Т.: 1995. 458 б.; Umarov D.X. Maktabgacha ta'limda jismoniy tarbiya. Ch.: 2021. – 288 b.; Rahmatova D.N. va bosh. Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiati. Ch.; 2020. – 226 b.

<sup>3</sup>Джамилова Н.Н. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия. Т.: 2011. – 150.; Шарипова Д.Д. Валеология асослари. Т.: 2011. – Б 160.; Виноградова Н.А. Дошкольная педагогика: учеб.-метод. пособие для подготовки студентов к итоговой государственной аттестации. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: МГПИ, 2006. – С 170.; Азизова Р. Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси. Т.: 2010. – Б 200.; Салимов Ғ.М. Миллий ҳаракатли ўйинлар асосида 7-10 ёшли ўқувчиларни жисмоний сифатларини ривожлантириш самарадорлиги. Дисс... Т.: 2007. –Б 140.;Таджибаев С.С. Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси. Дисс.Т.: 2017. – Б 220.; Машарипова М.И. Мактабгача тарбия муассасалари шароитида болаларнинг ҳаракат потенциалини мақсадли ривожлантириш технологияси. Диссертация.Т.: 2006. – 120.; Керимов Ф.А. Яқка кураш элементларига эга бўлган ҳаракатли ўйинлар. Т.: 2015. –80-с;

амалга ошириш бўйича, Ф.А.Керимов, С.С.Тажибаев, ҳаракатли ўйинлар орқали болаларни сузишга ўргатиш юзасидан Т.И.Осокина, ҳаракат фаолияти ва онгли равишда бажаришга ўргатиш бўйича М.Ф.Литвинова, Н.Т.Лебедева, В.Г.Яковлев, А.Н.Гриневский, Л.Д.Глазырина, машғулотларда асосий ҳаракатларни ривожлантиришга йўналтириш бўйича Ф.Г.Фролов, болаларга ҳаракатли ўйинларни ўргатиш орқали ривожлантириш О.Сафаров, болаларда жисмоний сифатларни тарбиялаш бўйича О.В.Гончарова, мактабгача ёшдаги болаларнинг руҳий ривожланишида ўйинларнинг таъсири бўйича Д.Б.Эльконин, М.Э.Вайнер, Д.И.Гасанова, М.И.Машарипова, ҳаракатланиш фаолияти болаларнинг мулоқатчанлигини ривожлантириш бўйича Е.Н.Тоцкая, Д.В.Менджеричкая, Л.Д.Глазырина, Л.И.Пензуллаева, Т.А.Семёнова, ҳаракат координацион сифатни ривожлантириш бўйича Л.З.Холмуродов<sup>4</sup>, ҳаракатли ўйинлар асосий ривожлантириш воситаси сифатида М.М.Нуриддинова, шунингдек, хорижий олимлардан О.П.Бауэр, К.Stanberry, Anderman, M.Dale, R.Taylor, S.Yilmaz, G.L.Lendret, S.L.Crogh томонидан тадқиқ этилган<sup>5</sup>. Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, айнан мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини ҳаракатли ўйинлар орқали ривожлантириш жиҳатидан тадқиқот ишлари кам эътиборга олинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги “Ўзбекистонда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида тарбияланувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия тизимида педагогик технологияларни такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракатли ўйинлардан ва ноанъанавий гимнастика машғулотларидан фойдаланиш орқали жисмоний сифатларини ривожлантиришдан иборат.

---

<sup>4</sup>Осокина Т.И. Физическая культура в детском саду. М.: 2014. – С 250.; Литвинова М.Ф. Русские народные подвижные игры. М.: 1985. – С 300.; Лебедева Н.Т. Двигательная активность в процессе обучения младших школьников М.: 1999. – С 11. Яковлев В., Гриневский А. Игры для детей. М.: 1992. – С 160.; Глазырина Л.Д. Физическая культура - дошкольникам. М.: 1999. – С 80.; Фролов В.Г. Юрко Г.П. Физкультурные занятия на воздухе с детьми дошкольного возраста. М.: 1983. – С 120.; Сафаров О. Кичкинтойлар учун халқ ҳаракатли ўйинлари.Т.: 2014. –Б 230.; Қодирова Ф.Р., Тошпулатова Ш.Қ. Мактабгача тарбия педагогикаси. Т.: 2015. –Б 150.; Файзуллаева М.З. Мактабгача таълим муассасаларида тақвимий режалаштириш. Т.: 2011. –Б 60.; Холмуродов Л.З. Махсус жисмоний машқлар орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини ривожлантириш. Дисс автореферати. Ч.: 2019. –Б 26.; Гончарова О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш.Т.: 2015. –Б 135.; Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти.Т.: 1992. 200- Б; Кенеман А.В., Хухлаева Д.В. Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста. Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. «Дошкольная педагогика и психология». эл.книг. М.: 2019. –С 150.; Капилович Л.В., Андреев В.И. Здоровье и здоровый образ жизни. Учебное пособие. - Томск: 2008. –С 102.; Эльконин Д.Б. Психология игры. В.: 2014. –С 250.; Вайнер М.Э. Игровые технологии коррекции поведения дошкольников. Учебное пособие. - М.: 2004. –С 48.; Гасанова Д.И. Психотехнические игры как средство физического воспитания детей старшего дошкольного возраста тема диссертации и автореферата. М.: 2000. –С 240.; Тоцкая Е.Н. Направленное воздействие подвижных игр на развитие коммуникативных способностей детей старшего дошкольного возраста М.: 2011. –С 200.; Менджеричкая Д.В. Воспитатель о детской игре. М.: 1984. –С 130.; Глазырина Л.Д. Физическая культура - дошкольникам. М.: 1999. –С 350.; Пензуллаева Л.И. 5-6 ёшли болалар учун жисмоний тарбия, машғулотлари.Т.: 1992. –Б 120.; Семёнова Т.А. Воспитание ловкости у детей шестого года жизни в подвижных играх. М.: 2007. –170-с.;

<sup>5</sup>Бауэр О.П. Подвижные и спортивные игры в профессиональной подготовке специалистов по физической культуре дошкольников. Б.: 2007. 450-с.; Stanberry K. Understanding Physical Development in Preschoolers. G.:2019. –P 256.; Yilmaz S. Outdoor Environment and Outdoor Activities in Early Childhood Education Okul Öncesi Eğitimde Dış Mekanlar ve Dış Mekan Aktiviteler. A.: 2018. – P 150.; Лэндрет Г.Л. Игровая терапия: искусство отношений. М.: 1998. 300–P.; Crogh S.L. Educating young children. USA.: 2018. –P 350.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатли ўйинлар картотекасини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болалар қадди-қоматини шакллантиришда машғулотлар жараёнига ноанъанавий гимнастика воситаларини саралаш орқали микромашғулотларни ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болалар учун белгиланган асосий ҳаракат турларини бажаришда стречинг ва болалар йога машғулотларини саралаш ва табақалаштириш;

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни ҳаракатли ўйинларга ўргатиш бўйича ишлаб чиқилган “Қувноқ ўйинлар” дастури ва ҳаракатли ўйинлар мажмуасини амалиётга татбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний сифатларини ривожлантириш бўйича ҳаракатли ўйинларни қўллаш жараёни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий-услубий адабиёт маълумотлари бўйича муаммонинг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясининг илғор тажрибаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатув ва педагогик тажриба, анкета-сўровнома, суҳбат, антропометрия, математик статистика каби усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун ҳаракатли ўйинларнинг турлари, хусусияти, бажарилишини инобатга олиб уларни жуфтлик ёки яккаликдаги оддий ҳамда мураккаб ҳаракатларни ижодий, сюжетли, спорт элементлари бўйича мақсадли танлаш ва йўналтиришга қаратилган картотекасини ишлаб чиқиш ҳисобига жисмоний кўрсаткичларини ривожлантириш имконияти кенгайтирилган;

машғулотлар жараёнида ноанъанавий гимнастика (калланетика ва бодифлей) буғимларни ортиқча юклама бермасдан мушаклар тизимини мукамал даражада мустаҳкамлаш ва нафас олиш билан биргаликда статик ҳолатда мушаклар таранглигини мутаносиб ривожлантиришга қаратилган микромашғулотларни ишлаб чиқиш ҳисобига қадди-қоматни шакллантириш имконияти кенгайтирилган;

мактабгача ёшдаги болалар учун белгиланган асосий ҳаракат турларини бажаришда мушакларни эластик чўзилувчанлигини оширишга қаратилган гимнастика турларидан ташкил топган соғломлаштирувчи стречинг ва кичик мушак гуруҳларини ривожлантиришга қаратилган болалар йога машғулотларни киритиш ҳисобига ҳаракат фаоллиги ривожлантирилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатли ўйинларга ўргатиш бўйича зарурий ҳаракат фаолиятини ривожланганлик даражаси бўйича



“Қувноқ ўйинлар” дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний сифатларни ривожлантириш учун “Қувноқ ўйинлар” дастури ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотлари учун болаларнинг жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

кичик, ўрта, катта ва мактабгача тайёрлов гуруҳлари болалари учун жисмоний тарбиянинг ўйин дастури ишлаб чиқилган,

“Қувноқ ўйинлар” дастурини самарадорлиги амалиётда аниқланиб таълим жараёнига йўналтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув, мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний соғломлаштириш, жисмоний тарбия машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазарига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услублари қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифалари сон ва сифат жиҳатдан таъминланган; тажриба-синов ишларида олинган натижалар, математик-статистик таҳлил услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилган, натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларнинг жисмоний сифатларни ривожлантиришда мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия машғулоти жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш, жисмоний сифатлари ривожланишдан ортда қолаётган болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш муаммоларига тегишли мактабгача таълимда жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани мазмунини бойитиши ҳамда кенгайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жисмоний сифатлари ривожланишдан ортда қолаётган болалар билан олиб бориладиган машғулотларни такомиллаштириш, махсус жисмоний машқлар билан узок вақт шуғулланишни ташкил қилиш, ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш ва мактабгача таълим ташкилотидаги тарбиячиларнинг иш фаолияти давомида касбий компетентлигини ривожлантириш учун хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини ҳаракатли ўйинлар орқали ривожлантириш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида:

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун ҳаракатли ўйинларнинг турлари, хусусияти, бажарилишини инобатга олиб уларни мақсадли танлаш ва йўналтиришга қаратилган ҳаракатли ўйинлар картотекасини қўллаш бўйича таклифлар “Жисмоний тарбия ва спорт (Гимнастика)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 441-сон буйруғига асосан 441-028 рақамли гувоҳнома). Натижада

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатлари 10,5%га яхшиланган;

машғулотлар жараёнида ноанъанавий гимнастика (калланетика ва бодифлей) буғимларни ортиқча юклама бермасдан мушаклар тизимини мукамал даражада мустаҳкамлаш ва нафас олиш билан биргаликда статик ҳолатда мушаклар таранглигини мутаносиб ривожлантиришга қаратилган микромашғулотларни қўллаш бўйича таклифлар Учтепа тумани 604-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти жисмоний тарбия машғулотлар жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 29 июлдаги 03-17-02-3354-сон маълумотномаси). Натижада болалар қадди-қомати 25% га тўғри шакилланишига эришилган;

мактабгача ёшдаги болалар учун белгиланган асосий ҳаракат турларини бажаришда мушакларни эластик чўзилувчанлигини оширишга қаратилган стречинг ва болалар йога машғулотларини қўллаш бўйича таклифлар Учтепа тумани 604-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти жисмоний тарбия машғулотлар жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 29 июлдаги 03-17-02-3354-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмонан ривожланиши бўйича ҳаракат фаоллиги 10.5% га ўзгарган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатли ўйинларга ўргатиш бўйича “Қувноқ ўйинлар” дастури “Жисмоний тарбия ва спорт (Гимнастика)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 441-сон буйруғига асосан 441-028 рақамли гувоҳнома). Натижада Учтепа тумани жисмоний тарбия йўналиши бўйича ишларни ташкил этиш ўртача 10% га ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий ҳолатлари ва натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий ишлар, жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 133 саҳифали матн, 8 та расм, 10 та жадвал, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топди.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуси тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот

ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатини ривожлантириш муаммоси юзасидан илмий-услубий адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида ўқув адабиётлар ва илмий материалларининг таҳлили келтирилган. Таҳлил, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллиги ва жисмоний сифатларини ривожлантириш масалаларини мувоффақиятли ҳал этиш учун мактабгача таълим ташкилотида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва кўшимча жисмоний тарбия машғулотлари тузилма ҳаракатли ўйинлар ҳамда ўйин машқларини қўллаш билан ижобий натижаларга эришиш зарур эканлигини кўрсатди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатлари ва жисмоний тайёргарлик даражаси тадқиқ этилган босқичда уларнинг ёшга оид морфо-функционал, психологик ва жисмоний хусусиятлари, жисмоний юкламаларни қўлланилиш тавсифини инobatга олган ҳолда жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этиш шаклларини аниқлаш имконияти тавсифланган. Бир қатор олимлар (Ф.А.Керимов, С.Р.Саломов, Т.С.Усманхаджаев, Д.Х.Умаров, О.В.Гончарова, Д.Н.Рахматова, Л.З.Холмуродов, М.М.Нуриддинова ва бош.) мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбия машғулотлари жараёнини тузишда айни вақтдаги замонавий жисмоний тарбия талабларидан келиб чиққан ҳолда болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантиришнинг энг оптимал услубларини излаб топиш устида тадқиқотлар олиб боришганлиги акс эттирилган.

Бирок, ушбу саъй-ҳаракатларга ва замонавий талабларнинг ортиб боришига қарамасдан, мактабгача таълим тизими муаммолигича қолмоқда. Г.Б.Дьяченко ва В.И.Ляхнинг маълумотларига кўра, мактабгача ёшдаги болаларнинг маълум миқдори учун жисмоний сифатини сақлашни ривожланиш даражаси ёш меъёридан орқада қолади ва мувозанат сақлашда машқлар бажаришда мувофиқлаштирилган ҳаракатларга эга эканлигини кўрсатади, деб таъкидлайдилар.

Ҳаракатли ўйинларнинг асосий вазифаси -шуғулланувчилар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни тўғри жисмоний ривожланишига, ҳаётий зарур бўлган ҳаракат кўникмалари ва маҳоратни ўзлаштиришга ва такомиллаштирига ёрдам бериб, уларда ҳаракат реакцияси, чаққонлик, ҳаракатлар ва тананинг янги имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уни ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган муаммонинг кўп қиррали ва кенглиги асосланган, уни ташкил қилиш ва тадқиқотларни ўтказишнинг учта босқичи ёритилган.

Биринчи босқичда дастлабки педагогик тадқиқотларнинг мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия машғулотларига қўйилган талабларни таҳлил қилиш ва қўлланилган машғулот шакллари ва усуллари апробациядан

Ўтказиш, тадқиқотнинг муаммосига, мақсади ва вазифаларига мос келадиган усулларнинг ахборотлиги ва ишончилигини аниқлаш; 6-7 ёшли болаларнинг жисмоний ривожланиш даражасини тавсифловчи энг ахборотли физиологик кўрсаткичларни аниқлаш; мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллиги ва жисмоний сифатларини ҳаракатли ўйинлар орқали ривожлантириш жараёнида миқдорий ва сифат кўрсаткичлари белгилаб олиш вазифалари ҳал қилинган.

Иккинчи босқичда жисмоний тарбия ўйин дастурининг тузилмавий-моделли, унинг таълим, соғломлаштириш, тарбия йўналишларини асослаш, таълимнинг ўйин шакллари ва услубларига асосланган мактабгача ёшдаги болалар жисмоний сифатларини ривожлантириш жараёни технологияси ва дидактик таъминотини яратиш, тажрибада текшириш вазифалари ҳал қилинди.

Учинчи босқичда асосий педагогик тажриба амалга оширилди. Тажрибанинг вазифалари мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлар ва ўйин машқларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш; дастлабки тажриба натижалари ва МТТда мавжуд жисмоний тарбия машғулотлари шароитларида олинган маълумотларни қиёсий таҳлили асосида, биз томонимиздан таклиф қилинган махсус ишлаб чиқилган “Қувноқ ўйинлар” дастури ҳамда ноанъанавий воситалар самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлди.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний сифатларини ривожлантиришда қувноқ ўйинлар дастурининг таъсири”** деб номланган учинчи бобда, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний сифатларини ривожлантириш, жисмоний тайёргарлик даражасини яхшилашга йўналтирилган ҳаракатли ўйинлар картотекаси ишлаб чиқилган.

6-7 ёшдаги болаларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш самарадорлиги педагогик тажрибалар жараёнида амалга оширилди. 6-7 ёш болаларининг жисмоний имкониятларини ҳар томонлама ривожлантириш учун эгилувчанлик, чаққонлик, тезкорлик, координация имкониятлари энг аҳамиятли ҳисобланади. 6-7 ёшли болаларда ҳаракатларни ривожлантириш муаммолари долзарблигини ҳисобга олиб, биз ҳаракатли ўйинлар орқали ушбу жараёнга ривожлантирувчи, комплекс таъсир кўрсатиш имкониятларини ўрганиб чиқишга киришдик.

Калланетика ёки бодифлей ноанъанавий гимнастика воситаларига асосланган машқлар тизимидир. Амалиётда бундай воситалар чўзиш машқлари билан статик ҳолатларни кўпроқ ташкил этиши мумкин. Калланетиканинг асосий вазифаси – болалар кунлик ҳаракат режимида ҳеч қандай тарзда иштирок этмайдиган чуқур мушакларнинг ишлашини таъминлашдан иборат. Бунда мушқлар кўпроқ чўзилувчан бўлади.



## Харакатли ўйинлар каталогаси

т/р	Ўйинлар номи	ЎЙИН ТУРЛАРИ			ЎЙИН ХУСУСИЯТИ			БАЖАРИЛИШИ		
		Ижодий	Сюжетли	Спорт элементлари билан	Оддий	Мураккаб	Яккалик	Жуфлик	Предметли	Предметсиз
1.	Пахмок кучук	+			+		+			+
2.	Қимнинг уйи		+		+		+			+
3.	Жуфг-жуфг			+		+		+		+
4.	Тез ол ва тез кўй			+		+		+		
5.	Эчки болалари	+	+		+		+			+
6.	Бўш ўрин	+			+		+			+
7.	Учлик			+		+		+		+
8.	Картошка экамиз			+		+		+		
9.	Бўри зовур ичиди	+			+		+			+
10.	Инсиз кўён		+		+		+		+	
11.	Шўх кўпогим	+			+		+		+	
12.	Тўпни ошриб узатиш	+		+	+			+		
13.	Тўп айланан ташқарида			+		+		+		+

Мушакларни ишга солиб, жуда қисқа вақт ичида бутун танани назоратга олиб, қулай жисмоний ҳолатга эришишга ва тўғри қадди-қомат шаклланишига ёрдам беради. Калланетик машқларнинг аксарияти статик-динамик ҳолатда амалга оширилади. Машқлар таъсир этиш хусусиятига кўра, калланетика массаж ва аутомануал гимнастикага ўхшайди. Бундан ташқари, терини эластиклигини оширади ва уни янада мослашувчан қилади. Бундан ташқари, кайфиятни яхшилайти, иммунитет тизимига ижобий таъсир кўрсатади ва ҳатто болалар физиологик ҳолатини меъёрлаштиради.

Бодифлей воситалари ёрдамида буғимларни ортикча юклама бермасдан мушаклар тизимини мукамал даражада мустаҳкамлаш ва нафас олиш билан биргаликда статик ҳолатда мушаклар таранглигини мутаносиб ривожлантиришга қаратилган микромашғулотлар ишлаб чиқилган. Болалар билан ҳафтада бир марта бир соат давомида машқ қилиш учун қулай ҳисобланади, яна бир варианты калланетика машқлар тўпламини эрталабки гимнастика машқларга мослаштириб ва ҳар куни 15 дақиқа давомида турли мушак гуруҳларида навбат билан бажариш қулайдир.

### 3-жадвал

#### Мактабгача болалар гуруҳлари учун ноанъанавий (қадди-қоматни тўғри шакллантирувчи нафас машқлар мутоносиблиги) машғулот воситалари

Т/р	Ноанъанавий машғулот турлари			
	Каланетика (Соғломлаштириш)	Такрорлашлар сони ва дам олиш оралиғи	Бодифлей (Ортикча вазлилик олдини олиш)	Такрорлашлар сони ва дам олиш оралиғи
1	Д.х.ётган ҳолда қўллар олдинда 1.ётган ҳолда, оёқларни тиззадан букиб қоринга тортиш, 2.гавдани ярим кўтариш қўллар олдинда 3. Д.х. 4. Оёқларни чўзиб ётиш.	(2/2/2)	Д.Х.А.Т. 1.Қўллар кўкрак олдида чуқур нафас олинади, 2. бармоқларни бирлаштириш 3.нафас чиқарилади 4. Д.х.	(2/4/1)
2	Д.х. 1.Ётган ҳолда гавдани ярим кўтариш. 2.қўл ва оёқларни параллел ҳолда олдинга чўзиш 3.чалқанча ўтириш. 4.д.х.	(2/2/3)	Д.х. 1.Қўллар кўкрак олдида 2.кафтлар бирлашган, 3.нафас чиқазиш 4.қўлларни олдинга чўзиш	(2/5/2)
3	Юзтубан ётган ҳолда 1.Ўнг қўл олдинга чап оёқ орқага кўтариш. 2. Д.х.к 3. Қўл ва оёқларни алмаштириш. 4. Д.х. к	(2/2/2)	Д.х. А.Т. 1.Чуқур нафас олинади қўллар бош орқасида замоқ ҳолда, 2. Д.х.к нафас чиқарилад. 3. Чуқур нафас олинади қўллар бош орқасида замоқ ҳолда, 4. Д.х.к. нафас чиқарилади.	(2/4/2)
4	Д.х. Ётган ҳолда 1. қўллар бош орқасида 2.қўлларни	(2/3/3)	Д.х. 1.Қўллар кўкрак олдида 2. Қўллар замоқ	(2/3/2)

	замок ҳолда 3.оёқлар тиззадан букиб ушлаб туриш (20сония) 4.д.х.		ҳолда нафас олинади, 3.қўлларни ёнга ёйилади 4.нафас чиқарилади.	
5	Д.х. 1.Ётган ҳолда қўллар полда 2.оёқлар тиззадан букилган 3.тосни кўтариб тушириш 4.д.х.	(2/4/3)	Д.х. 1.Қўллар орқага чўзилган нафас олинади, 2.қўлларни нафас чиқариш билан мувофиқликда туширилади. 3.д.х.	(2/5/2)
6	Д.х. Ётган ҳолда 1-4 тиззаларни ва тирсакларни букмасдан қўлларга таяниш	(2/3/3)	Д.Х.А.Т. 1.оёқ учига кўтарилиш 2.қўллар тепада нафас олиш, 3.қўллар пасга асосий ҳолатга қайтиш 4.нафас чиқариш	(2/3/2)
7	Д.х.Ётган ҳолда 1.оёқлар тиззадан букиш 2.қўлларга таяниш 3.навбат билан оёқларни олдинга чўзиш 4.д.х	(2/2/2)	Д.х.Қўллар белда 1.чукур нафас олинади,2. қўлларни букилган тиззага қўйиш 3.нафас чиқарилади 4.д.х.	(2/4/2)
8	Д.х.1.Чап ёнга ётган ҳолда чап қолга таяниш, 2.ўнг қўл белда, 3.ўнг оёқни олдинга кўтариб чўзиш 4.қўл ва оёқ ҳаракатларини алмаштириш	(2/3/2)	Д.х. Оёқлар кенг керилган қўллар олдинда 1-4 ярим чўкқайиб ўтириш	(2/3/2)
9	Д.х.Ўтирган ҳолда чап оёқ букилган ўнг оёқ чқзилган қўллар белда, 1.Ўнг оёқга қўлларни чўзиб текизиш. 2.Д.х.к. 3.Оёқ қўлларни алмаштириб бажариш. 4.Д.х.к	(2/2/2)	Д.Х. - А.Т. 1.олдинга чап оёқга ташланиш 2.асосий туришга қайтиш 3.нафас чиқазиш, 4.ўнг оёқга ташланиш	(2/4/2)
10	Д.х. Ўтирган ҳолда қўллар белда,1-4 олдинга тирсакларга таяниб эгилиш	(2/3/2)	Д.х. Оёқлар кенг керилган қўллар олдинда 1-4 чап ва ўнг оёқга ярим чўкқайиб ўтириш	(2/3/2)
11	Д.х.Ўтирган ҳолда оёқлар олдинга чўзилган қўллар белда. 1.Чап қўл оёқлар учигача чўзиш ўнг қўл орқага чўзиш.2.Д.х.к. 3. Қўл ҳаракатларини алмаштириб бажариш, 4.Д.х.к.	(2/4/2)	Д.х.Оёқлар кенг керилган қўллар белда 1.Чап қўл тиззада ўнг қўл тепада ёнга эгилиш. 2.Д.х. 3.Оёқлар кенг керилган қўллар олдинда ярим чўкқайиб ўтириш	(2/3/2)
12	Д.х.Тиззаларга таяниб ўтириш 1.қўллар белда, 2.гавдани кўтариш 3.қўллар олдинда 4.д.х.	(2/3/3)	Ўнг оёқ олдинга ташланган ҳолатда ўнг қўлни чап оёқ тавонига текизиш чап қўл юқоради. 2.Д.х.к. 3. Қўл ва оёқ ҳаракатларини алмашиб бажариш, 4.Д.х.к	(2/4/2)

**Изоҳ:** жадвалда келтирилган рақамлар ҳафта давомида 2 марта машғулот воситаларини қўллаш, 2- марта такрорлаш ҳамда дам олиш оралиқ вақти.



Биз томонимиздан мактабгача ёшдаги камҳаракат болалар учун гимнастика турлари (калланетика, бодифлей, стретчинг, болалар йогаси) бўйича махсус машқлар мажмуалари ишлаб чиқилди. Махсус машқлар мажмуасида ёшга қараб юкламалар меъёри ишлаб чиқилди. Калланетика ва бодифлей воситалари кам ҳаракат болалар учун машқларни нафас машқлари билан мутоносибликда олиб борилиши натижасида болалар қадди-қоматини тўри шакллантириш ҳамда мушаклар таранглигини мутоносиб ривожланишига эришилди. Стретчинг ва болалар йогаси қўлланилиши натижасида мактабгача ёшдаги болаларнинг эластик чўзилувчанлиги ҳамда ҳаракат фаоллиги оширилди.

Калланетика воситалари. Ётган ҳолда, оёқларни тиззадан букиб қоринга тортиш, гавдани ярим кўтариш қўллар олдинда машқи, ҳар ҳафтада 2 мартадан, 2 такрорлашлар билан бажарилади. Такрорлашлар оралиғида 2 сония дам олинади.

Стретчинг ва болалар йогаси воситалари интенсив спорт машғулоти пайтида жароҳатлардан ва мушакларнинг чўзилишидан қочишга имкон беради, мушакларни кучлироқ ва танани мослашувчан қилади. Стретчингнинг афзалликлари орасида мушакларнинг кучланиши пасайиши, қон айланишининг яхшиланиши, ҳолатни тузатиш ва чидамликни оширади. Стретчинг белгиларининг таъсири фақат жисмоний намойишлар билан чекланмайди. Балки, мунтазам машғулотлар стрессни енгиллаштиради ва фаол дам олишга ёрдам беради, ўзига бўлган ишончни ортиради.

#### 4-жадвал

#### Мактабгача ёшдаги болалар учун ноанъанавий (мушак эластик чўзилувчанлиги ва таранглашиши) машғулоти воситалари

Т/р	Ноанъанавий машғулоти турлари			
	Стретчинг (Мушакларни эластик чўзилувчанлиги)	Такрорлашлар сони ва дам олиш оралиғи	Болалар йогаси (Мушакларни таранглашиши)	Такрорлаш сони ва дам олиш оралиғи
1	Д.Х. оёқлар кенг керилган 1.қўллар белда, 2.олдинга эгилиш 3.оёқларни ички томонидан ушлаб чўзилиш 4.д.х.	(2/3/2)	Д.х. 1-4 Йога ҳолатида ўтириш	(2/1/3)
2	Д.х. Оёқлар кенг керилган қўллар белда, 1.чап оёқга қўлларни чўзиш, 2.д.х. 3. ўнг оёқга қўлларни чўзиш. 4.д.х.	(2/3/3)	Д.х.Йога ҳолатида ўтириш 1.қўллар юқорида 2.тирсаклар букилган ҳолда 3.кафтлар бирлашган 4.д.х.	(2/2/2)
3	Д.х.Тиззада ўтирган ҳолда 1.қўллар белда, 2.олдинга эгилиш 3.қўлларни чўзиш 4.д.х.	(2/4/2)	Д.х.Ўтирган ҳолда 1-4 тиззаларни тебратиш	(2/3/1)
4	Д.х.Қўлларга таяниб ўтирган ҳолда 1.оёқлар кенг керилган, 2.оёқ олдинда 3. Оёқлар учини	(2/3/4)	Д.х.Юзтубан ётган ҳолда 1-4 тирсақларга таяниб орқага эгилиш	(2/4/2)

	Ўзига тортиш			
5	Д.х.Ўтирган ҳолда 1-4 қўл кафтини устма уст қўйиб навбатма навбат чап ва ўнг оёқ учини тортиш	(2/3/2)	Д.х. Юзтубан ётган ҳолда 1-4 оёқлар букилган ҳолда қўллар ёрдамида ушлаш	(2/4/1)
6	Д.х.Қўлларга таяниб ўтирган ҳолда 1-4 оёқлар кенг керилган, оёқ учини қўллар билан ўзига тортиш	(2/3/4)	Д.х. Юзтубан ётган ҳолда 1-4 оёқлар букилган ҳолда қўллар ёрдамида ушлаб тебраниш	(2/3/2)
7	Д.х.Ўтирган ҳолда чап оёқни тиззадан букиб, ўнг қўл бош тепасидан чап қўл билан бирлашганча чўзилиш, 1-4 қўл оёқ ҳаракатларини алмаштириб бажариш	(2/3/2)	Д.х.Ётган ҳолда 1-4 қўлларга таяниб оёқларни жуфт ҳолатда бош орқасига ўтказиш	(2/3/2)
8	Д.х.Ўтирган ҳолда 1.ўнг оёқ олдинда ўнг қўлга таяниш, 2.чап оёқ орқада тиззадан букилган чап қўлни ҳам орқада тирсакдан букиб бирлаштириб чозилиш, 3-4 навбат билан қўл оёқ ҳаракатлари алмаштириб бажариш	(2/4/2)	Д.х.Тиззаларга таяниб ўтирган ҳолда, 1-4 қўллар тепада олдинга эгилиш	(2/3/2)
9	Д.х. Тиззада ўтириш 1-4 кўприк ҳолатда қўл ва оёқларни бирлаштириб туриш	(2/4/2)	Д.х.Тиззаларга таяниб ўтирган ҳолда,1-4 қўллар олдинда бошни орқага эгиб чўзилиш	(2/3/2)
10	Д.х.Ётган ҳолда 1-4 оёқларни навбатма навбат кўкракгача қўллар ёрдамида тортиб оёқ учуни чўзиш	(2/4/2)	Д.х.Юзтубан ётган ҳолда 1-4 қўл ва оёқлар орқада кўтариб чўзиш	(2/2/2)
11	Д.х.Қўллар бош орқасида замоқ ётган ҳолда 1-4 оёқ ҳаракатларини навбатма навбат тиззадан букиб тепага чўзиш	(2/3/2)	Д.х.Юзтубан қўллар олдинда ётган ҳолда, 1-4 қўлларни ёнга ёйиб гавдани ярим кўтариш	(2/3/2)
12	Д.х. Оёқларни олдинга чозиб ўтирган ҳолда 1.чап оёқни тиззадан букиб ўнг оёқ устидан ўтказиш 2.қўллар ёрдамида чап томонга гавдани буриш, 3-4 навбат билан қўл оёқ ҳаракатларини алмаштириб бажариш	(2/3/3)	Д.Х.А.Т. 1.ўнг оёқ тиззадан букиб қўлларни бош тепасида бирлаштириш. 2.д.х. 3.оёқ ва қўл ҳаракатларини алмаштириб бажариш. 4.д.х.	(2/3/2)

**Изоҳ:** жадвалда келтирилган рақамлар ҳафта давомида 2 марта машғулот воситаларини қўллаш, марта такрорлаш ҳамда дам олиш оралиқ вақти.

Мактабгача ёшдаги болаларни ўйин машқларига ўргатиш бўйича педагоглар фаолиятига ўзгартиришлар киритиш мақсадига ишлаб чиқилган “Қувноқ ўйинлар” дастурига кўра машғулотлар жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича унинг тузилмаси ҳамда мазмунини акс эттирувчи таҳлилий материаллар келтирилган.

### 5-жадвал

#### “Қувноқ ўйинлар” дастурининг 9 ойлик машғулот тузилмаси (тайёрлов гуруҳи 6-7 ёш)

Т/р	Машғулотноми	Ўқув йили давомида				
		ҳафтада	бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
<b>№</b>	<b>Ой</b>	<b>Жисмоний тадбирлар мазмуни</b>				
1	Сентябр	1.Мувозанат сақлаш-гимнастика скамейкаси бўйлаб боланинг икки қадами оралиғида қўйилган кубиклар устидан қўлларини белга қўйиб, хатлаб ўтиб юриш 2.Сакраш- полдан шиддат билан итарилиб, икки оёқда сакраб олдинга силжиш. 3.Қаторда туриб тўпни икки қўллаб пастга отиш(болалар орасидаги масофаси 2,5м) 4.Ҳаракатли ўйин “Тўп кимда”				
2		1. Гимнастика скамейкаси бўйлабқўлни бош бош орқасига қўйиб тўлдирма тўп устидан хатлаб ўтиш. 2. Бир-биридан 40см оралатиб (“илон изи” қилиб) қўйилган буюмлар орасидан икки оёқда сакраб олдинга силжиш 3. Қаторда туриб полга урилиб қайтгантўпни ташлаш (тарбиячининг ишораси билан болалар тўпни ерга уриб уни икки қўллаб илиб олиб шеригига ташлайдилар) 4. Ҳаракатли ўйин “Тутувчилар”				
3		1. Сакрашлар- икки оёқда сакраш Сакрашни 4-6марта кетма-кет бажариш, кейин бир зум дам олиш ва тарбиячининг ишорасига биноан яна сакраш 2. Кичик тўпни (диаметри 6-8 см) икки қўллаб юқорига ирғитиш 3. Ўртача тезликда югуриш (1,5 дақиқа) 4. Ҳаракатли ўйин “Биз қувноқ болалармиз”				
4		1. Жойида туриб юқорига сакраш 2. Тўпни юқорига отиб, чапак чалиш ва уни икки қўллаб илиб олиш(10-15марта) 3. Буюмлар орасидан эмаклаб юриш ва югуришни навбатлаштириш(2-3марта) 4. Ҳаракатли ўйин “Шакл яса”				
5		1. Гимнастика скамейкаси бўйлаб кафт ва тиззаларда эмаклаш (2-3марта) 2. Арқон бўйлаб жуфтлама кадам билан ёнламасига юриш, қўллар белда (2-3марта), бош ва говдани тўғри тутиш 3. Тўпни икки қўллаб юқорига отиш ва уни илб олиш, тўпни юқорига отиш ва чапак чалиб илиб олиш (10-12марта) 4. Ҳаракатли ўйин “Қармоқ”				

Қувноқ ўйинлар дастури тарбия-таълим жараёнини тузишда асосий ҳаракатларнинг қўлланилиши ва уларга мувофиқ ҳаракатли ўйинларни танлаб

олиш икониятини яратади. Дастур болани соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиш билан ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари ва турли спорт машқларига жалб қилган ҳолда уни ҳар томонлама жисмонан ривожлантиришга йўналтирилганлиги, дастур ўз навбатида ҳаракатли ўйинларни бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари билан биргаликда қўллашни назарда тутади.

Ҳаракатли ўйинлар ва ўйин машқларини МТТ тизимининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда қўшимча жисмоний тарбия амалиётида қўллаш ва ушбу йўналиш бўйича профессионал кадрларни тайёрлаш заруриятини кўрсатаётганлиги аниқланди. Таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш учун МТТнинг асосий ва қўшимча таълим соҳасида жисмоний тарбия мутахассислари томонидан соғломлаштириш фаолиятларида ижодий ва самарали қўллаш имкониятини берувчи мактабгача ёшдаги болалар учун турли ҳил ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний тарбия воситаларини ўз ичига олган дастурлар ва технологиялар ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди. Дастур бўйича машғулотлар тузилмасига кўра 9 ойлик тақвимий режа асосида машғулотнинг мақсади ва режаси берилган. Ушбу намуна асосида мактабгача таълим ташкилотининг ҳар бир гуруҳ кесимида жисмоний тарбия машғулотлари ташкиллаштириш тартиби ёритиб берилган.

Мактабгача таълимнинг замонавий ривожланиш босқичида, амалиётга айнан ҳаракатли ўйинлар, рақс ва спорт-соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган барча соғломлаштириш технологиялари кенг жорий этилаётганлигини кузатишмоқда. Тошкент шаҳрининг ўттиздан ортиқ МТТларида ўтказилган сўров маълумотларига кўра, жисмоний тарбия инструкторларининг 64,6% ҳаракатли ўйинларни нафақат жисмоний тарбия машғулотларида балки қўшимча таълим машғулотларида ҳам қўллар зарурлигини кўрсатганлар. Бироқ уларнинг амалий ишлари таҳлили шуни кўрсатадики кўпчилик ҳаракатли ўйинларни тор доирадаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ёрдамчи воситалар сифатида қўллайдилар; ушбу далил тизимли эмас, балки бу жараён илмий-услубий жиҳатдан кучсиз ёритилганлиги сабабли тўсатдан, ўз-ўзидан ва лавҳали тавсифга эга эканлиги ўрганиб чиқилди.

**6-жадвал**

**6-7 мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини  
ривожлантириш учун ҳаракатли ўйинлар  
МАЖМУАСИ**

№	Ҳаракатли ўйинлар, УРМ ва ноанъанавий гимнастика	Ўйинни давомийлиги	Меъёри	Дам олиш оралиғи	Хафта кунлари
<b>Эгилувчанлик сифатини ривожлантириш учун</b>					
1	УРМ мажмуаси, калланетика ва бодифлей	5-6 дақиқа	1 марта	1-1,5 дақиқа	Чоршанба
	Жирафа	5-6 дақиқа	2 марта	2-2,5 дақиқа	

	Кўприк	5-7 дақиқа	1 марта	1,5-2 дақиқа	
<b>Чаққонлик ва тезкорликни сифатларини ривожлантириш учун</b>					
2	УРМ мажмуаси, стречинг ва йога	5-6 дақиқа	1 марта	1-1,5 дақиқа	Жума
	Бўш ўрин	7-8 дақиқа	1 марта	1,5-2 дақиқа	
	Бир доирадан иккичи доирага сакраш	5-6 дақиқа	2 марта	1,5-2 дақиқа	
	Картошка экамиз	5-6 дақиқа	1 марта	1,5-2 дақиқа	

*Изоҳ:* ҳар бир ўйинни ўргатиш жараёнида йўриқчи болаларга хато ва камчиликларини айтиб туриши ҳамда имкон қадар уларни жойида бартараф этишига ҳаракат қилиши лозим.

Диссертациянинг “**Мактабгача таълим тизимида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш самарадорлигини тажрибаларда асослаш**” деб номланган тўртинчи бобида 6-7 ёшли болаларнинг жисмоний имкониятларини ҳар томонлама ривожлантириш учун эгилувчанлик, чаққонлик, чидамлилик, тезкоркуч, координация сифатлари энг аҳамиятли ҳисобланади. 6-7 ёшли болаларда ҳаракат сифатларини ривожлантириш муаммолари долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, ҳаракатли ўйинлар орқали ушбу жараёнга ривожлантирувчи, комплекс таъсир кўрсатиш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Гуруҳларда машғулотлар 9 ой мобайнида ҳафтада 2 марта ўтказилди. ТГ ва НГ да ташкил этилиши ва тузилмаси болалар жисмоний тарбияси учун умум қабул қилинган 72 тадан машғулотлар ўтказилди. Тадқиқотлар Тошкент шаҳар Учтепа тумани “Турон-Нури” номли 604-ДМТТ (ТГ) ва “Наврўз” номли 601-ДМТТ (НГ) қошида ўтказилди. Тадқиқотларда иштирок этаётган болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини ўртача гуруҳ қийматини тавсифловчи маълумотлар жадвалларда тақдим этилди.

Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбия ва соғломлаштириш машғулотларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилишда, болаларни жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлигини шакллантиришда унинг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлили педагогик ахборотлар объективлигини ошириши билан бир қаторда воситалар танловини кенгайтиришга ҳамда асосланган тавсиялар ва хулосалар чиқаришга имкон беради.

Бу даврда болаларнинг жисмоний тарбиясини тўғри ташкил этиш, илк ёшдан бошлаб жисмоний кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ҳар томонлама уйғун ривожлантириш асосий талаблардан ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаларида боланинг жисмоний ривожланиши ва унинг фаол ҳаракатланишига имкон яратиш, таълим-тарбиявий жараённинг мазмуни ва методларини ишлаб чиқишга илмий ёндашиш, тизимли хусусиятларга риоя қилиш, чиниқтириш, чидамлиликни ошириш, ҳаракат

қилишнинг зарур кўникмаларини тарбиялаш; машғулотларда ва ўйин фаолиятида мустақил фикрлашга, жисмоний тарбия ва спортга бўлган муҳаббатни тарбиялашга оид муҳим масалаларни ҳал этиш лозим. Жисмоний ривожланиш мутаносиблик ва гармоник тушунчаларини белгиловчи антропометрик кўрсаткичларнинг ифодаланиши ҳамда тана қисмлари ҳаёт фаолиятини тавсифловчи физиологик параметрлар билан узвий боғлиқ бўлган ҳар бир боланинг соғлиғини тавсифловчи интеграл кўрсаткичлар ҳисобланади.

Тажриба бошида ТГ болаларининг жисмоний ривожланиши тенгдошлари НГ болаларининг жисмоний ривожланишидан деярли фарқланмаганлиги аниқланди. Тестлаш натижалари тажриба ва назорат гуруҳларида статистик аҳамиятга эга бўлган фарқланишни ( $P > 0,05$ ) аниқлаб бера олмади, бу эса уларни деярли бир ҳил ривожланишга эга эканлигини ва педагогик тажриба услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини кўрсатади. Тажриба давомида НГ каби, ТГда ҳам болаларнинг тана узунлиги (бўйи), оғирлиги (вазни) ва КҚАда ўсиш аниқланди (7-жадвал).

#### 7-жадвал

#### 6-7 ёшли тажриба ва назорат гуруҳи болаларнинг тажриба давомида жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини таҳлили

Кўрсаткичлар	гуруҳ	Тажриба бошида		Тажриба охирида		t	P
		$\bar{X} \pm \sigma$	V(%)	$\bar{X} \pm \sigma$	V(%)		
Тана оғирлиги, кг	ТГ	22,86 ±1,32	5,77	24,01±1,21	5,04	3,15	<0,01
	НГ	22,97±1,03	4,48	23,61±0,98	4,15	2,21	<0,05
Тана узунлиги, см	ТГ	118,43±7,41	6,26	122,74±7,25	5,91	2,04	<0,05
	НГ	114,39±6,44	6,07	117,86±6,94	5,89	1,73	>0,05
КҚА, см	ТГ	58,83±3,14	5,34	60,84±3,15	5,18	2,21	<0,05
	НГ	57,89±3,03	5,23	59,39±3,02	5,09	1,72	>0,05

Тажриба бошида тана узунлиги кўрсаткичлари ТГда ўртача  $\bar{X} \pm \sigma = 118,43 \pm 7,41$  см.ни, НГда  $\bar{X} \pm \sigma = 114,39 \pm 6,44$  см.ни ташкил этган бўлса, тажриба охирида эса ушбу кўрсаткич ТГда  $\bar{X} \pm \sigma = 122,74 \pm 7,25$  см.ни, НГда эса  $\bar{X} \pm \sigma = 117,86 \pm 6,94$  см.ни ташкил этди. Олинган натижаларнинг ўртача арфметик қиймат (ў.а.қ.)лари иккала гуруҳда ҳам ўсиш мавжудлигини кўрсатди. ТГ натижаларини корреляцион таҳлил натижалари антропометрик кўрсаткичлар орасидаги кучли статитик боғлиқликни очиб берди, яъни тана оғирлиги ва узунлиги ( $r=0,804$ ,  $p<0,01$ ), тана оғирлиги ва КҚА ( $r=0,664$ ,  $p<0,05$ ), тана

узунлиги ва КҚА ( $r=0,741$ ,  $p<0,01$ ) кўрсаткичлари орасида ўзаро ижобий боғлиқлик аниқланди. Ўтказилган корреляцион таҳлил натижалари ушбу кўрсаткичлар боланинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши учун аҳамиятилиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Ўрганилган антропометрик кўрсаткичлар ў.а.қ.ларини тажриба давомидаги ўсишларининг статистик ишончилигини Стьюдент тақсимооти критик қийматлари асосида баҳолаш НГга нисбатан ТГдаги ўзгаришлар анча ишончли эканини кўрсатди. Жумладан, ўрганилган учта параметрларни тажриба давомида ўзгаришидан НГда биттаси нормал ( $P<0,05$  ва  $t=2,21$ ) аҳамиятлилиқ даражасида ишончли, қолган иккитаси нормал ( $P>0,05$  ҳамда  $t=1,73$  ва  $t=1,72$ ) аҳамиятлилиқ даражасида ишончсиз; ТГда эса айнан шу параметрлар бўйича биттасида яхши ( $P<0,01$  ва  $t=3,15$ ) аҳамиятлилиқ даражасида, қолган иккитасида нормал ( $P<0,05$  ҳамда  $t=2,04$  ва  $t=2,21$ ) аҳамиятлилиқ даражасида ишончли эканлиги кузатилди.

Айтилган фактлар, ўз навбатида, тажриба гуруҳида қўлланган ҳаракатли ўйинларнинг самарадорлигини кўрсатди ва уларни болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириши жараёнида қўллаш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб, ТГ болаларининг жисмоний ривожланишни тавсифловчи маълумотлар таҳлили шуни кўрсатди-ки, жисмоний тарбия машғулотларини ҳаракатли ўйинлар устуворлиги билан ўтказишга асосланган педагогик жараён онтогенез қонунларига мувофиқ болаларнинг табиий жисмоний ривожланиш жараёнига ёрдам беради.

Жисмоний ривожланишда мутаносибликни белгиловчи антропометрик кўрсаткичларнинг ифодаланиши ҳамда тана қисмлари ҳаёт фаолиятини тавсифловчи физиологик параметрлар билан узвий боғлиқ бўлган ҳар бир боланинг соғлиғини тавсифловчи интеграл кўрсаткичлар ҳисобланади.

